

**АБУ НАСР ФАРОБИЙНИНГ ҚАРАШЛАРИДАГИ ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИДАГИ
ФОЗИЛ ОДАМЛАР ХИСЛАТЛАРИНИНГ ҲУҚУБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИАСИ-НИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР**

Хамидов Азизжон Ўктамжон ўғли
ИИВ Академияси 312-гуруҳ курсанти

Аннотация: Мазкур мақолада мавзунинг долзарблиги ва зарурати, ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги таълимотлар тушунчаси, моҳияти, ахамияти ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ахамияти ёритилган. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид таълимотлардан кенг қўламли фойдаланишни такомиллаштириш. Айниқса бу борада Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридан фойдаланишга катта ахамият берилган. Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида таърифланган фозил одам хислатларидан аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишда фойдаланиш.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Абу Наср Фаробий, “Фозил одамлар шаҳри”, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият.

Шарқ Уйғониш даврининг ётук қомусий олими, файласуф Абу Наср Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти у қолдирган илмий мероснинг муҳим йўналишларидан биридир. Мутафаккирнинг жамият ва давлатшунослик соҳасидаги қарашларининг шаклланиши ва ривожланиши у яшаб, ижод қилган давр – Ўрта Осиё ҳудудларининг араб халифалигига бўйсундирилган даврларига тўғри келади, ҳамда ўша вақтдаги кишилиқ жамиятининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ривожланиши муаммоларини ўзида акс эттиради. Шуниси диққатга сазоворки, бу Шарқ олимининг кўпгина фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Айниқса, турлича тарихий даврларда ўзига хос тарзда талқин қилиниши мумкин бўлган қатор муҳим фикрлар мавжуд.

Форобий давлатни ҳар томонлама ётук ўзида энг яхши инсоний фазилатларни жо қилган кишилар ёрдамида идора этиш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама ётук аҳолини илм-маърифатга олиб боровчи идеал жамоа ҳақидаги ҳаёлотини олға суради. Форобий давлатни бошқарувчи Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак, у табиатан ўн иккита хислат – фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади²¹¹.

²¹¹ Muhiddinova F. “Forobiy siyosiy – huquqiy ta’limotida qonun va qonunchilikni takomillashtirish konsepsiyasi”. Toshkent, 2005, 55-bet

Абу Наср Форобий эътиқодича, «Ўзида ўн икки туғма хислатларни бирлаштирган инсон ахлоқли бўла олади», - дейди²¹². Бу хислатлар мажмуаси фозил инсон контсептсиясига асос бўлади.

Биринчидан, бундай одамнинг барча органлари шу даражада тараққий этган бўлиши керакки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган ишларини осонлик билан бажарсин;

Иккинчидан, барча масалани тезда англайдиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

Учинчидан, хотираси жуда бақувват бўлсин;

Тўртинчидан, зеҳни ўткир бўлсин;

Бешинчидан, сўзлари аниқ бўлсин, фикрини равон ва равшан баён эта олсин;

Олтинчидан, билиш ва ўқишга мухаббати бўлсин;

Еттинчидан, овқатланишида, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, қимор ўйнашдан йироқ бўлсин;

Саккизинчидан, ҳақиқатни ҳақиқат тарфдорларини севадиган бўлсин;

Тўққизинчидан, руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин;

Ўнинчидан, дирҳам динар ва шу каби турмуш бидъатларига жирканиш билан қарасин;

Ўн биринчидан, ўз табиати билан адолатли ва адолат учун курашувчиларни севадиган, адолатсизлик ва жабр зулмга курашувчиларни севадиган бўлсин;

Ўн иккинчидан, адолатли бўлсин, лекин қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин.

Форобий ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бир кишида бўлмаслигини ҳисобга олиб, давлатни бир киши эмас, балки бир неча киши бошқариши керак, деган фикрни олға сурган²¹³.

Шунингдек, Форобий адолат тамойиллари, фуқароларнинг ўзаро тенглик ва умумий бахтиёрликни амалга ошириш заруратини ҳукмдорнинг қуйидаги 6 та хислат ва сифат кўрсаткичларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди:

биринчиси, донишмандлик;

иккинчиси, аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қуввати ҳофизга эга бўлиш;

учинчиси, агар аввалги имомлар даврдан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

тўртинчиси, ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш

²¹² Abu Nasr Forobiy "Fozil odamlar shahri". Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993, 159-160-betlar

²¹³ Abu Nasr Forobiy "Fozil odamlar shahri". Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993

учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади;

бешинчиси, аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун сўзлаш - нотиқликка эга бўлиши;

олтинчиси, зарур ҳолларда ҳарбий ишларига моҳирона раҳбарлик қилиши учун ётарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жанггу-жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиши керак, - дейди Форобий²¹⁴.

Абу Наср Форобий кимлар раҳбарлик қилишга муносиб бўлиши мумкин деган масала хусусида ўз фикр – мулоҳазаларини давом эттириб, таъкидлайдики, мობодо шу олти хислатнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилма-са, фозиллар шаҳрига раҳбарликка ана шундай фазилатли икки кишини (бири – донишманд, иккинчиси қолган хислатлар соҳиби бўлса) қўйиш зарур. Агарда қайд этилган хислатлар бир эмас, бир неча кишиларда бўлса (яъни, бирида у, иккинчисида бу, учунчисида ё тўртинчисида бошқа хислатлар мужассам бўлса), яна шу фозил инсонлар гуруҳини юрт раҳбарлигига кўтариш маъқул деб маслаҳат беради. Унинг фикрича, ана шу гуруҳ инсонлар ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро бамаслаҳат, келишиб иш тутса, шаҳар яхши бошқарилади, ҳар бир фозил ҳоким бўлиши мумкин. Лекин, фозиллар шаҳрига ҳокимлик қилаётган кишилар барча зарур хислатларга эга бўлсаю, аммо, донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутди²¹⁵.

Абу Наср Форобийнинг раҳбар ва раҳбарлик ҳақидаги бу фикр – мулоҳазалари узоқ йиллар давомида кўпчилик подшо, хон, амир, султон, бек, ҳокимлар учун бир услубий қўлланма, дастуруламал бўлиб келган бўлса ажаб эмас²¹⁶.

Кўринадикки, фозиллар шаҳри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама ётук бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. «Доно бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутди, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади», дейди Форобий.

Инсонларда адолат, виждон, ор – номус, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби кўплаб ажойиб ҳис – туйғулар ривожланган.

Қисқаси, инсоннинг комил, етук, баркомол бўлиб етишишида миллий қадриятларнинг таъсири бениҳоя каттадир.

Абу Наср Форобий бу хусусда шундай деб ёзган: “Кишилар туғилганида камолотли бўлиб туғилмайди, уларнинг орасида аслидафарқлар бўлмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти истаганча бўлабермайди. Булар кейинчалик ўзгаради,

²¹⁴ Abu Nasr Forobiy “Fozil odamlar shahri”. Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993,160-bet

²¹⁵ E.Xoliqov, X.J.Xudoyqulov, M.Q.Isoqov “O‘zbek g‘ururi – uning odobi”. Toshkent, “Fan” nashriyoti. 2008, 238b

²¹⁶ Abu Nasr Forobiy. Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida.”Mutafakkir” xalqaro hayriya jamg‘armasi. Toshkent ”Yozuvchi”.2002

яъни жамият орасида ўса бошлагандан кейин, бу ердаги қарама – қаршилиқларни ўзига сингдира бошлайди, ҳар хил мушкулотларга дучор бўлади. Унинг адолатга яқинлиги ёки узоқлиги хулқига, яшаган жамиятига боғлиқ²¹⁷.”

Абу Наср Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги ғоялари билан узвий боғланган. Умуман олганда фозил жамият-комил инсон, бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ҳақидаги ғоялари ўз даври учун ҳаёлийдир.

Абу Наср Форобий фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладигани, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунар билан шуғулланади, улар орасида яхши одатлар, завқ-лаzzатлар пайдо бўлади. Фозил жамоани бошқарувчи подшоҳ доимо ғамхўр бўлиши, ўз манфаатидан бошқалар манфаатини юқори қўйиши зарур²¹⁸.

Абу Наср Форобий фикрича давлатни бошқариш икки хил бўлади. Инсонларни ҳақиқий ва ҳаёлий, сохта бахтга элтувчи давлат тузиш, давлатни бошқариш санъати ва бошқаришнинг умумий қонунларига биноан назарий билим ва талабларга асосланади. Абу Наср Форобий дин эркинлиги тарафдоридир. Абу Наср Форобий давлатни бошқарувчисининг зарурий фазилатларидан бири, мулоҳазали бўлиш, адолатпарвар, камтар, ҳақиқатгўй ва ақл билан иш кўришдир. Абу Наср Форобий инсон ақлининг билиш қобилиятларини аниқлашга интилади.

Раҳбарда билиши зарур бўлган қоида ва ахлоқий ҳислатлар ҳақида Фарбий кўйдагиларни алоҳида зикр этади.

Шаҳар (давлат) тартиботида энг асосий нарса мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлашдир; кўпчилик одамларнинг иши жўнлашиб, бемаънилашиб кетмасин, зарур нарсаларнинг озайиб кетиши одамларни фақир аҳволга солиб қўймасин.

Авалло ёр ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур нарсалар бўлган озиқ-овқат экиладиган ёрлар, саройлар ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши керак.

Тақсимот ишига ҳокимлар ғоят катта эътибор бериши керак. Бу қийин, лекин жуда зарур иш.

Болалар, ўсмирлар ҳамда жоҳил одамларни бошқаришга катта эътибор беришлари керак.

Мулкни ошириш масалалсига катта эътибор бериш керак. Мулкни бефойда жамғаришдан фарқли равишда мулк эгаси бўлиши ёмон одат эмас, чунки мулк ҳалоллик билан тўпланадиган бўлса, қашшоқликда яшашга қараганда

²¹⁷ I.Xoliqov, M.Sobirova, M.Rustamov. Ma'naviyatning axloqiy asoslari. Toshkent – 2013, Nizomiy nomidagi TDPU Rizografida nashr qilindi. 83 – b

²¹⁸ Haydar Aliqulov. “Falsafiy meros va ma'naviy – axloqiy fikr rivoji”, Toshkent. 2009. Falsafa va huquq institute, 34 – 36 – betlar

бадавлатлик афзал, бошқаларга зарар етказмаслик ҳам мол-мулк орттиришнинг муҳим йўлидир. Саёҳат ва тижорат ҳам мулк ортиришнинг муҳим йўлидир. Тарбия ва қонунларнинг мақсади - одамларни ёмон ишлардан тийишдир.

Ҳоким фақирлар ва бойларга бир хил эътибор бериши, уларнинг руҳларини тузатувчи ва яхши қонунлар яратиши лозим.

Раҳбар яна оғирлик ўлчови, дон-дун ва шунга ўхшаш нарсалар ўлчови ҳақида ҳам ҳеч кимга зарар келтирмайдиган савдо ҳақида қонунлар чиқариши керак.

Ҳокимлар ва ҳокимият табиий тартибга келтирилиши зарур, бундай тартиб бўлмаган тақдирда давлатда ҳам тартиб бўлмайди.

Ҳокимлар ва ҳокимият ўртасида тартиб бўлмаса, кўп ўтмай улар масхара бўладилар ва давлат инқирозга юз тутуди.

Ҳоким ва ҳокимиятга ҳаёт тажрибасига эга хушхулқли одамларни жалб этиш керак, аммо асло бу ишга гўл ва жоҳил одамларни қўшмаслик даркор.

Ҳокимият кенгашлари ўтказилаётганда вазирлар, савдогарлар ва мансабдорларнинг бажараётган ишларига, уларнинг ўзаро муносабатига аҳил ёки ноаҳил эканликларига катта эътибор бериш зарур ва шу йўл билан бирга шаҳар (давлат) аҳолисининг яхши фазилатларини эътироф қилиб, рағбатлантириш керак.

Фазилатни қабоҳатга алмаштирган ўжар одамларга қарши ҳокимлар курашсагина маъқул тартиб бўлиши мумкин.

Ҳоким тартиб ўрнатишда дўстликни пайдо қилувчи тенгликка эътибор бериши, уларнинг ҳар иккаласи ҳам тартиб ўрнатишда катта таъсир кучига эга эканлигини ҳисобга олиши керак. Тенглик одамларнинг ҳар бирига ато этилган, ўзи муносиб бўлган мавқеъдир. Бу тенгликдан муҳаббат ва дўстлик туғилади.

Агар яшаш учун бериладиган маблағ одамларнинг ҳаражатиغا тўғри келмаса, турли номаъқулликлар рўй беради. Бу бурилиш энг қийин ишдир. Кимда ким ўз ихтиёрида бўлган мулкни фойда чиқариш учун муомалага қўшмай, ўзи учун жамғарса, жуда катта зарар келтиради. Ҳокимлар бундай одамларни назорат қилишлари (мулкни ишлатмай жамғаришларни) ман этишлари ва бойликни совуришларига йўл қўймасликлари керак. Ўзларидаги маблағларидан ортиқча сарфлайдиганларнинг иллатлари давлатга ғоят катта кулфат ва зарар келтиради.

Ҳокимлар, раҳбарлар ва мансабдорлар қонунлар ва салтанатни ҳимоя қилувчилардир.

Ҳокимлар сув масаласига ҳам эътибор беришлари керак, чунки шаҳар, (давлат) аҳолиси учун сув манбаларини тартибга солмай туриб, ҳаёт кечиришлари мумкин эмас.

Қонун чиқарувчилар ва ҳокимлар сув муаммосига дарёларнинг ўзанига катта эътибор беришлари зарур.

Солиқлар масаласи ҳам ҳоким ва қонун соҳиблари бошқариши зарур бўлган масаладир.

Энг катта жиноят раҳбар шахс томонидан қилинган жиноятдир. Бундай ҳолатда бошқа ҳокимлар уни тарбиялаш ва таъсир ўтказиш чораларини кўришлари керак. Агар бунга эътибор берилмаса, бундай жиноятлар шаҳар (давлат) иллатларининг кўпайишига ва шаҳарнинг (давлатнинг) инқирозига сабаб бўлади.

Ҳокимлар ўз ишларига бепарво бўлишлари мумкин эмас.

Одамлар ҳокимлар кўрсатган тўғри йўлдан боришлари ва қонунларнинг тузилиши, ҳамда моҳияти уларда қараб уйғотмаслиги учун соҳиби қонунлар ҳокимларни, одамларни бошқаришга ўргатишлари лозим.

Ота-она ва ҳокимларни менсимайдиганларни жиноятчилардай жазолаш зарур.

Ҳокимият вакиллари бундай ишларни ўз зиммаларига, олиб, жиноятчиларни уларнинг жиноятларига қараб, таёқ билан уриб, ёки жарима солиб, ё қатл этиб жазолашлари керак²¹⁹.

Инсон, Форобийнинг фикрича, ўз олдига қўйган мақсадларига муносиб ва улуғвор воситалар ёрдамида эришмоғи лозим.

Йиллар ўтиши давомида инсонда ҳаётий тажриба тўплана боради ва шунинг учун қонунларни ўрнатишнинг асосий объекти ёшлар бўлмоғи лозим. Форобий фикрича, эҳтиёжлар ўз вақтида англаб ётилиши керак ва уларга «совуқ мулоҳаза» билан ёндашмоқ лозим. Педагогик таълим ва таълим тизимининг ривожланиши ана шу масалалардан келиб чиқади. Ҳам қонуншунослар, ҳам тарбияланувчилар бирбирлари билан чамбарчас ҳолатда ҳаракат қилишлари керак. қонуншунос ҳамини танқидни очик ва муносиб тарзда қабул қилишга тайёр бўлиши керак. Тарбия жараёнида узилишлар, танаффуслар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда ёшлик пайтда таълим-тарбия кўрмаган кишини кейинчалик қонун билан тарбиялаш ўта мушкул. Қонунларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб турмоқ лозим.

Қонуншунос ҳар қадамда ҳаётдан сабоқ олмоғи, ҳар томонлама мустақил фикр юритиш қобилиятига эга бўлмоғи керак. Уни одатлар ва эҳтирослар ёки бошқа ҳукмдор бошқариши керак эмас. Форобий фикрича, бу ҳолатда бошқа ҳукмдорнинг ҳукмронлиги қонуний бўлса-да, ана шу олий тахтга ҳамини ҳам саҳоватпеша ҳукмдор келишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. ²²⁰

Форобий сиёсий-ҳуқуқий тарбиянинг асосий категорияси сифатида: ақл, ақлга интилиш, тарбиялилиқ, адолатпарварлик, фозиллик, ботирлик кабиларни илгари суради. Ақл – бу саҳоватдир. «Тарбия ақлни пайдо қилади, - дейди Форобий, - кимда тарбия бўлмаса, қусурларни ижобий хусусият сифатида қабул

²¹⁹ Abu Nasr Forobiy “Fozil odamlar shahri”. Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993

²²⁰ Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини кадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017

қилади, тарбияли киши бўлса, фақат фозилликни улуғлайди. қонун саховат томон йўлдир, шу туфайли тарбияни мустақкамлаш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш лозим²²¹».

Форобийга кўра, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида тарбия бахт ва фозилликка эришишнинг асосий омилидир. Энг аввало, ҳукмдорнинг ўзи тарбияланган бўлиши керак, акс ҳолда давлат ёки шаҳар таназзулга юз тутади²²².

Ушбулардан келиб чиққан ҳолда, Форобийнинг фикрига кўра, тарбия жараёнида айрим мажбурлаш усуллари, хусусан, ишонтириш ёки манфаатдорликни уйғотиш кабилардан фойдаланиш маъқул. Акс ҳолда жамиятда қулларча бўйсунуш ҳолати пайдо бўладики, бу ҳам охир оқибатда жамиятни емиришга олиб келади. Инсон маданияти фозилликнинг уч тури бўлган муҳаббат, тарбия ва ақлга таянади.

Бу ғояларнинг барчаси нафақат «Афлотун «Қонунлари»нинг моҳияти» асарида, балки «Фуқаро сиёсати», «Давлат арбобининг тузуклари (афоризми)», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» каби асарларида ифодаланган²²³.

Тарбия инсоннинг ижтимоий жиҳатдан ўз-ўзини англаши учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Форобий фикрига кўра, кишиларда туғма қусурларнинг бўлиши мумкин эмас ёки таълим-тарбия беришнинг имконияти бўлмаган кишилар мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан у тарбияни мажбурий ва ихтиёрий равишда иккига бўлади. Икки хил кишилар борки, уларнинг айримлари ихтиёрий равишда қонунга бўйсундилар ва бундан лаззатландилар. Бошқа тур кишилар эса, жазоланишдан қўрқиб, ўз хоҳиш иродаларига қарши турган ҳолда қонунларга бўйсундилар. «Фозиллик» ва «ўз-ўзини тийишлик» қонунлар ва тарбия таъсирининг натижасидир. Ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳолатга тўғри келмайдиган кишилар шаҳардан қувғин қилинадилар.

Форобийнинг қонунга бўйсунуш ва ахлоқ борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Улуғ нарсаларга ва эҳтиросларни бўйсундиришга интилган киши аҳмоқона ишлар билан шуғулланмайди. Ахлоқий фозиллик, Форобий фикрига кўра, йиллар давомида шаклланадиган одатдир. Бу адолат, донишмандлик, мардлик ва ҳоказоларга бўлган одатлардир. «Агар инсонда туғма кибр-ҳаво ва такаббурлик каби хусусиятлар бўлмаса-да, барибир у ўз қалбини машқ қилдириши керак, чунки инсонда ўз севиқли кишисининг кўпгина жиноятларини сезмаслик сингари туғма хусусият мавжуддир²²⁴». Бу ёрда Форобий инсоннинг ўз ҳисларини тута билиши, ҳиссиётни ақлга бўйсундириши, бир сўзлилик ҳақида фикр юритади. Инсондаги ҳиссиётни тута билиш қобилияти унинг фазилати сифатида улуғланиши керак.

²²¹ Ал-Фараби. Историко-философские трактаты. С.165.

²²² Abu Nasr Forobiy "Fozil odamlar shahri". Abdulla Qodiriy nashriyoti, Toshkent, 1993

²²³ Abu Nasr Forobiy. Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida."Mutafakkir" xalqaro hayriya jamg'armasi. Toshkent "Yozuvchi".2002

²²⁴ Ал-Фараби. Историко-философские трактаты. С.165.

Форобий жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияга катта аҳамият берган мутафаккирдир. Чунки айнан ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияда ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси деб тасаввур этади.

Форобийнинг “Фозил шаҳар”да ҳокимга қуйилган энг муҳим ҳислат сифатида адолатли бўлиш кераклигини қўяди.

Адалот сўзининг мазмунида поклик, тўғрилиқ, ҳақиқат, мужассамдир. Инсоният яралгандан бери адолатни қадрлаб келган. Адолат бўлган жой гуллаб – яшнаган, халқ эркин бўлган. Адолат – оёқ ости қилинган жойларда эса разолат ҳукм суриб, жамият тубанликка юз тутган.

“Адолатнинг икки бош манбаи мавжуд: биринчидан , ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва иккинчидан, жамиятга наф келтириш зарур”

“Адолат ғоясини рад этиб бўлмайди; у ахлоқ – одоб қонунларидан, ақл – идрок қонунларидан, омма ҳаётининг ўзидан келиб чиқади; адолат бошдан охир ҳаёт уфуриб турган сўздир ”.

“Шубҳасиз , ҳеч ким ҳуқуқ ва адолат тўғрисидаги тайёр тушунчалар билан туғулмайди, бироқ инсон табиати шундайки, маълум ёшга келганда бу ҳақиқатлар табиий йўсунда шакллана бошлайди.²²⁵”

Адолат Аллоҳни танишда, кишилар ўртасида ҳукм чиқарганда, оила фарзанд ўртасида одиллик билан иш тутишда ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Шу ўринда Арастунинг Искандарга насиҳатидаги адолат ҳақидаги фикрларни келтириш ўринлидир. “Билгилки, адолат буюк ва қудратли худонинг ер юзидаги ўлчовидир. Унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ одам, кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳақини олади. Кимки, Аллоҳ бандалари орасида ўрнатган илоҳий адолат ўлчовини бузса ва ундан четлашса, катта нодонликлар қилиб, хатоликларга йўл қўяди. Ўз ишларида икки сифатни эгаллашга интилиш керак. Бири, дилларни асир этиш. Бошқаси эса ишда саботли ва пайсалга солишдан сақланишдир. Чунки, ишларни бажаришга фурсат тополмай қолади. Агар уни бошқа кишига топшарса, иши янада оғирлашиб, катталлашиб кетади ва кейин уни бажариб бўлмай қолади²²⁶”.

Дарҳақиқат, жамиятни, давлатни бошқариш, халққа раҳнамолик қилиш – энг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифадир. Жамият ҳаётида фаол иштирок этиш сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда бевосита қатнашиш, раҳбарлик лавозимларида ишлаш жараёнида инсоннинг нечоғлик маънавиятли-маърифатлилиги, иймон-эътиқодлилиги, сўз ва иш бирлиги, ҳалол-у поклиги, халқпарвар ва ватанпарварлиги, ички дунёси орқали намоён бўлади.

²²⁵ Tafakkur jurnali, Toshkent, G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. 1989, 263 – 264 – betlar.

²²⁶ Amir Temur Kurogoniy. “Zafar yo'li”. Toshkent, “Fan” nashriyoti. 1992, 10 – bet

Форобийнинг сиёсий – ҳуқуқий қарашларида файласуф билан ҳоким ўртасида фарқ борлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, файласуфнинг сифати унинг хайрли ишларни бажариши ва омма томонидан қабул қилинган ва маъқул, деб топилган фаолияти билан ўлчанадики, шунинг учун уни “фозил” деб аташ мумкин бўлади. Ҳокимдан кейин келадиган файласуф сифати унинг олим ва йўлбошчилиги билан эмас, балки кўпроқ хайрли ишларга амал қилиши билан белгиланади²²⁷. Албатта, Форобийнинг ушбу қарашларига Афлотуннинг таъсири сезиларли бўлиб, Афлотуннинг “Сиёсатчи” асаридаги бошқарувчилар тўғрисидаги ғоялари кўзга ташланади. “Қонунлар” асарида ҳам Афлотун фозил файласуф бошқараётган маданий жамиятдаги қонунлар моҳияти тўғрисида фикр юритган. Жумладан, ҳоким файласуф ушбу қонунларни жойига қўйиб бажаришининг сабаби шундаки, унинг фаолияти давомида оммани хайрли ишларга бошлаш таъминланади. Афлотуннинг фикрича, файласуфнинг ташқи шаънини ҳимоя қилувчи ва ички таназулининг олдини олувчи фақат унинг ахлоқи ва донолигидир.

“ Менинг гумоним йўқки, токи файласуфлар шаҳарларга шох сифатида ҳукмронлик қилмас эканлар ёки бугун биз шох ва ҳоким, деб атаётган шахслар амалда фалсафани дурустроқ билар эканлар, шаҳарлар ҳам, инсон зоти ҳам турли балоқазолардан қутула олмайди”. Ушбу фикрини Афлотун, ҳукумат “ҳакамлик” ва қўмондонлик” ҳунари бўлиб, ўзига хос санъатдир деб, таъкидлайди. Унинг фикрича, сиёсатнинг мақсади ва моҳияти ахлоқдир.²²⁸

Абу Наср Форобий шаҳар жамоаларининг бир-бирлари билан таққослаб, уларни қатор турларга ажратади. Аввал у шаҳарни ётук, фазилатли, мукамал шаҳар ва ётук бўлмаган фазилатсиз, паст шаҳарларга ажратади.

Абу Наср Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб шундай ёзади: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан аташ лозим».

Абу Наср Форобий «Бахт саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» асарида ўзининг орзу қилган фозил жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди. «Давлатнинг вазифаси инсоннинг бахт-саодатига олиб боришдир, деб ёзади у, - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Абу Наср Форобий давлатни ётук шахс (монархия), ётук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади.

²²⁷ Abu Nasr Forobiy. Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida. "Mutafakkir" xalqaro hayriya jamg'armasi. Toshkent "Yozuvchi". 2002, 37-b.

²²⁸ Abu Nasr Forobiy. Fazilat, baxt-saodat va kamolot haqida. "Mutafakkir" xalqaro hayriya jamg'armasi. Toshkent "Yozuvchi". 2002, 52-bet

Абу Наср Форобий жамият ўз ривожда ётукликка томон интилиши, шунинг учун олиб бориши ва нихоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади.

У шундай ёзади: «Фозил жамият ва фозил шаҳар «ёки мамлакат» шундай бўладики, шу мамлакат аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўлади. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади».

Абу Наср Форобий бундай фозил жамоани бошқарувчи подшоҳ, раҳбарларга ҳам маълум талаблар қўяди. У халқ ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши, бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олиши зарур. Бундай жамоани идора этувчи ёки идора этувчилар гуруҳи ўзларида муҳим 6 хислатни ифода этишлари керак, яъни адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиш ва қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билишини, бошқаларга ғамхўр бўлиши керак.

Абу Наср Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан узвий боғланиб кетади. Фозил жамоада комил инсон хислатлари вужудга келади. Масалан, ахлоқ одоб, ётук инсон 12 фазилатга эга бўлмоғи лозим. Бу фазилатлар инсонларнинг ўзаро муносабатлари мустаҳкамланиб, яхшилик томон йўналиши фозил жамоа ва комил инсон ҳақидаги ғоялари сўнгги олим ва мутафаккирларга катта таъсир кўрсатади.

Умуман олганда Абу Наср Форобийнинг фозил жамияти, комил инсонни жамияти бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ҳақидаги фикрлари ўз даври учун ҳаёлийдир.

Лекин инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини очишга, гуманистик йўналишни асослашга қаратилган бу таълимот илғор ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Умумбашарий интилишларни ифодалади.

Абу Наср Форобий дунёқараши хусусидаги фикрларга яқун ясаб, шуни айтиш лозимки, Абу Наср Форобий фалсафасидаги ғоялар ва фанларнинг ташвиқоти жаҳолатга, идеализмга, ҳаётий пассивликка қарши қаттиқ зарба берди. Ҳозирда Ўрта Осиё ва Европа олимлари Абу Наср Форобий ижодига ҳурмат билан қарамоқда.

Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” китобидан келтирилган юқоридаги доно фикрлар ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатаётган шаҳар, туман, вилоят раҳбарларига, олимларига, зиёлиларига, катта-ю-кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Форобийнинг илмий-фалсафий таълимоти инсониятнинг мислсиз маънавий бойлиги ва маданий-маънавий камолоти йўлидаги дастури – амалидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри» асари, 2016.-320 б.
2. Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата.:1970. 303.с
3. Абу Наср Фаробий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. "Мутафаккир" халқаро ҳайрия жамғармаси. Тошкент "Ёзувчи".2002 ,376
4. Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. Тошкент .1963
5. Б.А. Матлюбов, Ў.Х. Мухамедов, А.С.Турсунов, З.А.Амиров, Б.Ф.Алимов. Масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. Ички ишлар органларининг профилактик фаолиятини бошқариш://Дарслик., Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 295 б.
6. Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017м
7. Ў.Х.Мухамедов, А.С. Турсунов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ // Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. –133 б.
8. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ислохотлар: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2018 йил 17 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 316 б.
9. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. ИИВ Академия.